

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

САФАРОВА НИЛУФАР НЕЪМАТИЛЛАЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТУРИЗМ
СОҲАСИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 - «Макроиқтисодиёт»

08.00.05 - «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Сафарова Нилуфар Неъматиллаевна

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини
баҳолаш усуллариини такомиллаштириш..... 3

Сафарова Нилуфар Неъматиллаевна

Совершенствование методов оценки влияния сферы туризма на
устойчивое развитие экономики..... 23

Safarova Nilufar Nematillaevna

Enhancement of methods for assessing the impact of tourism on sustainable
economic development..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

САФАРОВА НИЛУФАР НЕЪМАТИЛЛАЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТУРИЗМ
СОҲАСИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 - «Макроиқтисодиёт»

08.00.05 - «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Iqt.406 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Дилдора Мирсабитовна
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Мажидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алимова Машҳура Тоировна
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Моварауннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 237-54-01, факс: (99871) 237-50-11, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Моварауннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 237-53-25

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда барқарор иқтисодий ўсиш, адолатли ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига яқдил ёндашувни таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Барқарор ривожланиш мақсадлари» резолюцияси қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатда туризм иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларини яратиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқаришни таъминлаш дастакларидан бири сифатида бевосита қайд этилган. Ҳақиқатан, бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, иш билан бандликнинг 9 фоизи, жами экспортнинг 7 фоизи, хизматлар экспортининг эса 30 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келиши унинг юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тасдиқлайди¹.

Жаҳонда барқарор ривожланишни таъминлашда туризм соҳаси салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил этилган. Бунда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишни оптималлаштириш, инвестицияларни жалб этиш, самарали иш ўринларини яратиш, инновацияларни татбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, иқтисодий ўсиш, кам таъминланганликни қисқартириш, гендер тенглигини таъминлаш кабиларга туризм соҳаси таъсирини баҳолаш ва макроиқтисодий муҳит омиллари билан алоқадорлигини ўрганиш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти эътиборига тақдим этиш, туризм ривожланишининг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш, туризм соҳасининг миллий иқтисодиётдаги ўрнини ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз тарихий-маданий обидалар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакатдан бири сифатида эътироф этилиши ва туризм ривожланишининг юқори динамикасига қарамасдан, соҳанинг республика ялпи ички маҳсулоти, бандлик ва инвестиция кўрсаткичларидаги улуши етарли даражада эмас. Шу боис, соҳага «стратегик сектор» мақоми берилиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини оширишга алоҳида урғу берилди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига эса чуқур макроиқтисодий таҳлиллар ва стратегик тасаввурларга асосланган туризм сиёсатини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди².

Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон

¹UNWTO. Tourism Highlights: 2016 Edition, p. 3 // <http://www.unwto.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда).

Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 июлдаги ПҚ-3129-сон «Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ қатор илмий изланишлар амалга оширилган³. Жумладан, чекланган ресурслардан адолатли ва оқилона фойдаланиш масалалари Р.Солоу, иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ ишлар Г.Гроссман, В.Круэгер, барқарор ривожланиш тамойиллари Р.Лукас, бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари С.Кузнец, Т.Хаукиоя, А.Бартлетт, барқарор ривожланишни таъминлашда туризм соҳаси салоҳиятидан оқилона фойдаланиш масалалари В.Г.Гуляев, В.И.Криворучко, А.О.Варвашян, О.Сухарев, М.Синклер ва бошқалар томонидан кенг тадқиқ қилинган. А.Смит, Д.Рикардо, Т.Мальтус, Ж.Милл, М.Кейнс каби олимларнинг халқаро савдо, эндоген ўсиш, истеъмолчи хулқи назариялари доирасидаги ёндашув ва қарашлари ушбу мавзу бўйича тадқиқотларнинг методологик асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда технологик тараққиёт, таркибий ўзгаришлар асосида мутаносиб иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг умумназарий жиҳатлари К.Абдурахмонов, А.Бекмуродов, И.Искандеров, А.Вахобов, С.Чепель, Ш.Шодмонов ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг роли Х.Абулқосимов, Н.Махмудов,

³Solow, R.M. (1974). Intergenerational equity and exhaustible resources. Review of economic studies, Symposium on the Economics of exhaustible resources, pp. 29-45; Dasgupta, P., S. & Heal, G., M. (1979). Economic theory and exhaustible resources. Cambridge University Press, Oxford; Grossman, G., M. & Kreuger, V., B. (1995). Economic growth and the environment. The Quarterly Journal of Economics, 110, pp. 353-377; Lucas, R. (1988). On the mechanics of development planning. Journal of monetary economics, 22, 1 (July), pp.3-42; Kuznets, S. (1934). National Income, 1929-1932. 73rd US Congress, 2nd Session, Senate Document No. 124,7.; Haukioja T. (2007). Sustainable development and economic growth in the market economy. Esa print Tampere, Tampere; Bartlett, A. (2006). Reflections on Sustainability, Population Growth, and the Environment, published in The Future of Sustainability, Springer, Dordrecht; Гуляев В.Г. Мультипликативный эффект в туризме// Вестник РМАТ. 2011. №3. С. 58–69; Криворучко В.И., Варвашян А.О. Формирование механизмов стимулирования экономического развития туризма в регионе// Управление экономическими системами: электронный научный журнал. 2011. №12. С. 116-126; Sinclair, M., T. (1998). Tourism and economic development: A survey. Journal of Development Studies, 34(5), pp. 1-15.

Б.Беркиновларнинг илмий ишларида баён этилган⁴. Миллий иқтисодиётда туризм ривожланиши ва унинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг илмий-назарий асослари А.Ф.Саидов, И.С.Тухлиев, Б.Х.Тураев, О.Х.Ҳамидов, З.Д.Адилова, Е.В.Голишева каби олимлар ишларида атрофлича ўрганилган⁵.

Мавжуд тадқиқотларда туризм соҳаси ривожланиши бўйича умумий назарий ва методологик натижалар олинган бўлсада, уларда туризм соҳасининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш назариялари ва усуллари, туризм соҳасининг ўзига муносиб ривожланиш даражасини таъминлашда давлат институтлари ва ишбилармонлик муҳитининг ролини аниқлаш масалаларининг ҳозирги ҳолати макроиқтисодий нуқтаи назардан комплекс ёритилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, № А-2-028 «Ўрта ва узок муддатга демографик прогноз қилиш ва ижтимоий соҳани барқарор ва балансланган ҳолда ривожлантиришни таъминлаш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиёт барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодий ривожланиш моделларининг эволюцияси, уларни ҳаракатлантирувчи асосий омилларни тадқиқ этишга доир концептуал қарашлар ва назарий ёндашувларни ўрганиш ва умумлаштириш;

макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш учун барқарор иқтисодий ривожланишнинг ЯИМ кўрсаткичига муқобил индикаторларини тадқиқ этиш;

БМТнинг «Мингйиллик мақсадлари декларацияси»да қўйилган вазифаларни амалга оширишда туризм соҳаси ўрнини баҳолашнинг услубини ишлаб чиқиш;

⁴ Абдурахмонов Қ. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий кадрят. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2017. – 364 б.; Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. – Т.: Akademiya, 2007. – 198 б.; Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. – Т.: 2005. – 310 б.; Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. – Т.: 6/2011. 38-42 б.; Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. – Т.: 2016, №3. 2-8 б.; Шодмонов Ш. ва б. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Монография. – Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2010. – 256 б.

⁵ Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 332 б.; Саидов, А.Ф. Организационно-экономические основы развития и управления туризмом: дис. ... д-ра экон. наук: 05.13.10. – Т., 1995. – 270 с.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009. – 153 с.; Ҳамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2016. – 203 б.; Голишева Е.В. Совершенствование организации и механизма развития туризма в рыночных условиях: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.13. – Т., 2012. – 156 с.

туризм барқарор иқтисодий ўсишнинг эндоген омили сифатида тадқиқ этилган ишларни тизимлаштириш орқали Ўзбекистонда туризм ривожланиши ва иқтисодий ўсиш алоқадорлигига оид назарий хулосаларни шакллантириш ва эмпирик баҳолаш;

хорижий туристик оқимларга аҳоли даромадлари ва ҳудудий омиллар таъсирини баҳолаш гравитация моделини қўшимча макроиқтисодий шарт-шароит омилларини қўшиш орқали такомиллаштириш;

узоқ муддатли истикболда туризм ривожланишига мувофиқ ЯИМ қўшимча ўсишининг прогнозларини ишлаб чиқиш;

туризм барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий ўсишдаги ҳиссасини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси туризм тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланишни таъминлаш шароитида туризм соҳаси салоҳиятидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, социологик сўровларни ўтказиш ва таҳлил этиш, бенчмаркинг, иқтисодий-математик усуллар, жумладан, кўп омилли регрессион таҳлил, коинтеграцион таҳлил ва динамик қаторларда хатоликни тузатиш механизми усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ўсиш, кам таъминланганлик, гендер тенглиги, аҳоли саломатлиги каби барқарор ривожланиш индикаторларига туризм соҳаси таъсирини кўп омилли регрессия тенгламаларининг эластиклик коэффициенти орқали баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

туризм экспортининг иқтисодий ўсишга жадаллаштирувчи таъсирини баҳолаш асосида ЯИМ қўшимча ўсишининг узоқ муддатли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

миллий туризм тизимига макроиқтисодий омиллар таъсирини аниқлаш орқали туризм салоҳиятидан фойдаланиш бўйича мамлакатлараро нисбий устунликлар даражаси аниқланган;

туризм соҳасида иш билан бандлик ва инсон капиталига инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича муаллифлик ёндашувлари асосида туризм статистикаси ҳисобот шакллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва ислоҳ этиш» Концепцияси ва унга тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Хоразм ва Тошкент вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларида туризм ривожланиши бўйича 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари ва амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг «Ўзбекистон Республикасида туризм салоҳиятини баҳолаш ва уни фаоллаштириш бўйича чора-тадбирлар», «Туризм статистикасига оид саволнома ва ҳисобот шакллари тақомиллаштириш бўйича тавсиялар» таҳлилий ахборотномалари тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон Туризм ва саёҳат қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий ёндашувлар туризмнинг бевосита, билвосита ва ҳосилавий таъсирларини баҳолаш воситасида макроиктисодий таъсирини ўрганиш, хорижий туристик оқимлар ҳажмини прогнозлаштириш, туризм ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи омилларни аниқлаш бўйича илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш ва давлат статистика қўмиталари томонидан тегишли дастур ва истиқболга мўлжалланган режаларни ишлаб чиқишда, туризм соҳасида ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштириш ва қулайлаштиришда, янги иш жойларини яратиш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар асосида:

барқарор ривожланиш кўрсаткичларига туризм соҳаси таъсирини баҳолашнинг янги услубий ёндашувлари ва уларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги» Қарори ижросини республика ва унинг минтақаларида таъминлаш мониторингида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 30 ноябрдаги 03-09/4199-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижадан фойдаланиш туризм ривожланишининг барқарор ва мутаносиб ривожланиш индикаторларини баҳолашнинг услубий жиҳатларини бойитиш имконини берган;

мамлакатлар орасида туризм бўйича салоҳиятдан фойдаланиш даражасини аниқлашга доир услубий ишланмалар ва уларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан тасдиқланган «2018-2019 йилларда туризм соҳасини

ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури»нинг (Дастур) 1-илоvasи 5, 8 ва 10-бандларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 30 ноябрдаги 03-09/4199-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар туризм ташвиқоти ишлари самарадорлигини ошириш имконини берган;

туризм соҳасини ривожлантиришда вазирликларaro мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 30 ноябрдаги 03-09/4199-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг норматив хужжат даражасида жорий қилиниши туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиёти ўсишидаги ўрнини оширишнинг методик жиҳатларини бойитган;

туристик хизматлар ва маҳсулотлар сифатини ошириш, туристлар ахборот таъминотини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва 1-илоvasининг 6, 11, 16, 20 ва 23-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 30 ноябрдаги 03-09/4199-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар республика ва унинг ҳудудларида туризм ташкилотлари сонини 20%га ортишига шароит яратган;

туризм соҳасида иш билан бандликка оид маълумотларни ҳисобга олиш бўйича илмий-услубий ишланмалар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2-turizm ва 1-KB shakliga ilova (tur) давлат статистика ҳисобот шаклларида «Ходимлар тўғрисида маълумотлар» бўлими қўшимча равишда киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 10 февралдаги 01/3-10-17/2-116-сон маълумотномаси). Ушбу бўлимнинг киритилиши сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда бандлик ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда мазкур соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 7 та халқaro илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та жамоавий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 таси республика, 1таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 148 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиёт барқарор ривожланишини тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодий ривожланиш моделлари, мамлакатлар барқарор ривожланишини ифодаловчи индикаторлар тизими, туризм тизими ва унинг макроиқтисодий таъсири турларини ўрганишга бағишланган назарий қарашлар ва ёндашувлар таҳлил қилинган.

Тадқиқотда иқтисодий ривожланиш назарияларига оид классик ва замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган. Барқарор ривожланиш чексиз эҳтиёжларни чекланган ресурслар воситасида узлуксиз ва сифатли қондириш билан боғлиқ бўлиб, ушбу муаммо инсоният тарихининг барча даврларида тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган. Масалан, Д.Рикардо, Т.Мальтус каби классик мактаб вакиллари ишларида аҳоли сони ўсиб бориши билан барчанинг фаровонлигини таъминлаш имкони чекланади, иқтисодиёт турғунлик ҳолатига учрайди, бунда эркин савдо ва инвестициялар турғунликни бир муддатга кечиктиришгагина қодир бўлади, дейилади. Кейинчалик, қатор иқтисодчилар томонидан Рикардо ва Мальтуснинг фикрларига зид равишда, иқтисодиётнинг турғун ҳолатида ҳам бирламчи эҳтиёжлар тўлиқ қондирилади, бунда даромадлар тақсимооти тенглигини таъминлаш ва инсонларни маънавий бойишга чорлаш жамиятнинг асосий вазифаси сифатида намоён бўлади, деган хулосага келинди⁶.

Рим клуби иштирокчилари «Ўсиш чегаралари» маърузасини эълон қилиши билан иқтисодчи-олимлар ва сиёсатчилар орасида барқарорлик ва ўсиш боғлиқлигига оид мунозаралар чуқурлашувини кузатиш мумкин⁷, бу асар барқарор ривожланишнинг замонавий концепциясига асос солганлиги билан юқори аҳамиятга эга ҳисобланади. Иқтисодий ривожланишнинг классик моделларида инвестиция ва жамғарма омиллари, технологик ўзгаришларга алоҳида урғу берилса, замонавий назарияларда иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, ижтимоий, экологик жиҳатлари орасида мутаносиблик ва мувозанатлиликка эътибор қаратилади⁸.

⁶Perman, R., Ma, Y., McGilvray, J., Common, M. (1999). Natural Resource and Environmental Economics. Second Edition, Prentice Hall, Pearson Education Limited, Great Britain, Dorchester.

⁷Meadows, D., H., Randers, J., Meadows, D., L., Behrens, W., W. (1972). The Limits to Growth: A Report for the Club of Rome's Project on the Predicament of Mankind. – 1. – Universe Books, 1972. – 211 с. – ISBN 0876631650.

⁸Беркинов Б.Б., Маматова Ф.Х. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. – Тошкент: ТДИУ, 2011. – 60 б.

Умумий тарзда, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши табиий ва бошқа ресурслардан рационал фойдаланиш асосида кечадиган серқирра жараён бўлиб, у ўз ичига иқтисодий ўсиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, илмий-технологик база, аҳоли ҳаётининг сифати ва шарт-шароитлари такомиллашувини олади. Бунда узлуксизлик, сифат ва мувозанат асосий тамойиллар ҳисобланади.

Бошланғич даврларда ЯИМ ўсиш динамикаси барқарорлиги бутун иқтисодиёт барқарорлигининг ягона кўрсаткичи сифатида фойдаланилган. Бироқ, барқарор ривожланиш концепцияси ўзида бир қатор сифат ўзгаришларни ҳам қамраб олгани боис, барқарорлик даражасини ўлчашда иқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда ижтимоий ва экологик кўрсаткичларни қамраб олувчи кўп ўлчамли индикаторлар талаб қилинади⁹. Натижада, барқарор ривожланишни ифодалаш учун ЯИМга муқобил ва ёрдамчи индикаторлар ишлаб чиқилди. Ҳозирга қадар ишлаб чиқилган ривожланиш индикаторларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: ЯИМ кўрсаткичини ижтимоий ва экологик мезонлар асосида мувофиқлаштириш орқали ҳисобланувчи, ЯИМни ўрнини босувчи ва ЯИМга қўшимча равишда фойдаланилувчи индикаторлар (1-расмга қаранг).



1-расм. Барқарор ривожланишнинг ЯИМга муқобил индикаторлари гуруҳлари.¹⁰


⁹ Nordhaus, W. & Tobin, J. (1973). Is Growth Obsolete? The Measurement of Economic and Social Performance, Studies in Income and Wealth, Vol. 38.

¹⁰Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Тадқиқотда барқарор ривожланишнинг ЯИМга муқобил индикаторлари кучли ва заиф томонлари ўрганилди ҳамда инсон тараққиёти индекси (HDI), барқарор ривожланиш индекси (SDI), Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (MDG) индикаторларининг бошқа кўрсаткичларга нисбатан амалий аҳамияти юқорилиги кўрсатилди.

Олимлар томонидан туризмнинг барқарор ривожланиш омили сифатида иқтисодийни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишига алоҳида урғу берилади¹¹. Унинг макродаражадаги таъсири тўлов баланси, аҳоли бандлиги ва даромадлари кўрсаткичлари орқали таҳлил қилиниши кузатилади.

Дастлаб, соҳанинг иқтисодий ривожланишга таъсирини ўлчашда туризм мультипликаторидан кенг фойдаланилган¹², яъни туризмнинг бевосита, билвосита ва ҳосилавий таъсир компонентларидан таркиб топган макроиқтисодий таъсири тадқиқ этилган (2-расм).



2-расм. Туризмнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиши тизими.¹³

Мультипликатор самараси – туризм ташкилотлари фаолиятидан олинган даромаднинг хўжалик субъектлари орасидаги циркуляциясини ифодалайди. Йирик ва диверсификациялашган иқтисодиётга эга бўлган ҳудудлар юқори мультипликаторга эга бўлади, чунки бундай иқтисодиётда тадбиркорлар ва

¹¹ Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» Ташкент, 2013. – 248 с.

¹² Sinclair, M. T., Blake, A., & Sugiyarto, G. (2003). The economics of tourism. In C. Cooper (Ed.), Classic Reviews in Tourism (pp. 22-54). Clevedon: Channel View Publications.

¹³ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

уй хўжаликлари ўз эҳтиёжларини ўз ҳудудларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар билан қондирадилар¹⁴. Иқтисодиёти ривожланган ва диверсификация қилинган давлатларда сайёҳлар учун маҳсулотлар ва жиҳозлар импортига туризм тушумининг 10-20% сарфланса, аксарият ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич 40-50% ни ташкил этади¹⁵.


Эътиборлиси, ХХІ асрнинг бошларига келиб, туризм соҳасининг иқтисодий ривожланишга таъсири меҳнат, капитал, техник тараққиёт, экспорт каби ўсиш омиллари қаторида кенг тадқиқ этила бошлади. Замонавий тадқиқотларда туризм соҳасининг иқтисодий ривожланишга таъсири «Туризм етакчилигидаги иқтисодий ўсиш» гипотезаси воситасида амалга оширилади. Мазкур гипотезага кўра, «иқтисодий ўсиш, нафақат, иқтисодиётдаги меҳнат ва капиталнинг кўпайиши, балки, туризм экспорти кенгайиши орқали ҳам таъминланиши мумкин», деган фикр илгари сурилади. Туризм иқтисодий ўсишга хорижий валютани жалб қилиш қобилияти, инфратузилма ва инсон капиталига инвестициялар киритиш, иш билан бандлик, мультипликатив таъсир каби трансмиссион каналлар орқали таъсир қилиши эътироф этилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиёт барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш усуллари**» номли иккинчи бобида иқтисодий ривожланиш ва туризм боғлиқлигини моделлаштиришнинг услубий жиҳатлари тадқиқ этилган. Мазкур бобда туризмнинг барқарор ривожланиш индикаторларига таъсирини баҳолаш, соҳанинг иқтисодий ўсиш билан алоқадорлигини текшириш, миллий туризм тизимининг фойдаланилмаётган салоҳият даражасини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган ва эмпирик баҳоланган.

Ўзбекистонда туризм ривожланишига бағишланган тадқиқотларни ўрганиш давомида, асосан, кўп омилли чизиқли ва экспоненциал моделларга мурожаат қилиниши кузатилди. Бундай моделлар қисқа муддатли даврда прогнозлаштиришда қатор афзалликларга эга бўлсада, мамлакатимиз миллий туризмга оид статистик базадаги маълумотлар қатори нисбатан қисқа даврни қамраб олгани учун натижаларнинг ишончлилиқ даражаси қониқарли эмас. Бундан ташқари, даврий қатор услублари билан чекланган таҳлил мамлакат туризм соҳасини халқаро тизимнинг ажралмас бўлаги сифатида тадқиқ этиш, халқаро туризм учун муҳим омилларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини баҳолаш имконини бермайди. Шунинг учун, тадқиқот вазибаларини бажаришда даврий қаторлар ва мамлакатлараро регрессиялар усуллари танланди (3-расм).

¹⁴Advances in Tourism Economics: New Developments By Álvaro Matias, Peter Nijkamp, Manuela Sarmento /Springer Science & Business Media, 16 . 2009

¹⁵UNCTAD (2010). The contribution of tourism to trade and development. United Nations Publication, Sales No. E.08.XVII.28.



3-расм. Иқтисодиётга туризм соҳаси таъсирини тадқиқ этиш усуллари.¹⁶

Тадқиқот давомида қатор иқтисодчилар бир қанча давлатларда туризмнинг аҳоли кам таъминланганлигига таъсирини баҳолагани, бироқ, бу хусусда жаҳон мамлакатлари миқёсида умумий хулосалар ҳанузгача келтирилмаганлиги аниқланди. Шу сабабли, «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари» декларацияси кўрсаткичларига туризм соҳаси таъсирини глобал миқёсда баҳолаш усули ишлаб чиқилди ва 165 давлат бўйича маълумотлар асосида баҳоланди. Мазкур услуб АҚШ иқтисодчиси Нортоннинг иқтисодий ўсиш ва кам таъминланганлик орасидаги боғлиқликни баҳолаш услубига¹⁷ таянган ҳолда шакллантирилди ва қуйидаги ифода ҳосил қилинди:

$$MDG_i = \beta_1 + \beta_2 * g_i + \beta_3 * WEALTH_i + \beta_4 * URBAN_i + \beta_5 * TOPEN_i + X\beta + \varepsilon_i \quad (1)$$

бу ерда, g – i мамлакатда жон бошига ЯИМнинг 2000-2014 йиллардаги ўртача қиймати; $WEALTH$ – аҳоли бошланғич бойлигининг анъанавий ўлчови сифатида жон бошига ЯИМнинг 2000 йилдаги харид паритети бўйича

¹⁶Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

¹⁷Norton, S. (2002). Economic growth and poverty: in search of trickle-down. Cato J. 22: 263.

қиймати; *URBAN* – шаҳар аҳолисининг 2000-2014 йиллардаги ўртача улуши; *TOPEN* – туризм харажатлари ва тушумларининг ЯИМдаги улуши; *X* – инклюзив ўсиш адабиёти асосида танланган географик ўзгарувчилар вектори.

«Мингйиллик ривожланиш дастури» натижаларига туризм таъсирини баҳолаш учун иккита маълумотлар базасидан фойдаланилди, бирида аҳоли кам таъминланганлигини глобал кам таъминланганлик индекси (*MPI* – *Multidimensional Poverty Index*) билан ифодаланса, бошқасида Жаҳон банки кўрсаткичларидан фойдаланилди. Иккинчи маълумотлар базаси Жаҳон банки томонидан кенг фойдаланиладиган кўрсаткичлардан бўлган тўйиб овқатланмаслик, тоза ичимлик суви билан таъминланганлик, гендер тенглиги прокси ўзгарувчиси, телефон линиялари, ўлим даражаси, болалар ва оналар ўлими кўрсаткичларининг 2000-2014 йиллардаги ўртача қийматларидан таркиб топган. Ҳар иккала маълумотлар базаси мамлакатлараро кесимда йиғилгани учун регрессиялар энг кичик квадратлар усулида баҳоланди.

Олинган натижаларни таҳлил қилиш давомида ўсиш суръатлари, урбанизация ва бошланғич бойлик кўрсаткичлари тараққиёт ва кам таъминланганлик даражасининг муҳим детерминантлари эканлиги тасдиқланди. Ривожланишнинг анъанавий кўрсаткичлари иштирок этган регрессия натижалари туризм Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг фақатгина биттасига, яъни «юқумли касалликларни камайтириш» йўлидаги курашда таъсир қилмаслиги аниқланди.

Туризм ва иқтисодий ўсиш орасидаги алоқадорликни текшириш хусусидаги адабиётни ўрганиш давомида хатоликни тузатиш моделини (*ECM*) қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинди. Бунинг учунжон бошига ялпи ички маҳсулот (*GDP*), хорижий ташриф буюрувчилар сони (*TA*), халқаро туризм тушумлари (*TR*) ўзгарувчилари танланди. *ECM* моделининг эмпирик натижалари 1-жадвалда берилган.

1 -жадвал

ECM модели коэффициентлари¹⁸

Тобе ўзгарувчи <i>DLGDP</i>		
Мустақил ўзгарувчи	Коэффициент	T-статистика
<i>EC_{t-1}</i>	-0,13*	-1,6599
<i>DLGDP_{t-1}</i>	0,88***	4,3104
<i>DLGDP_{t-2}</i>	0,15	0,6543
<i>DLGDP_{t-3}</i>	-0,28	(-1,4178)
<i>DLTA_{t-1}</i>	-0,035	-0,8209
<i>DLTA_{t-2}</i>	0,001	0,2103
<i>DLTA_{t-3}</i>	-0,157***	-3,5595
<i>Constant</i>	0,039**	1,7338

Изоҳ: * - $p < 0,1$, ** - $p < 0,05$, *** - $p < 0,01$

¹⁸ EViews дастурида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Бунда хатоликни тузатиш коэффиценти ($EC_{t,i}$) – қиймати манфий ва статистик аҳамиятлидир. Бундай натижа узоқ муддатли даврда ўзгарувчилар мувозанатга интилишларини англатади ва Ўзбекистонда жон бошига ЯИМнинг мувозанатга интилиши ҳар йилда тахминан 13 фоизга тузатилиб борилади.

Ўтказилган регрессион таҳлиллар натижаси Ўзбекистон Республикасида «Туризм етакчилигида иқтисодий ўсиш» гипотезаси ўринли эканлигини исботлади. Грейнджер алоқадорлик тестлари ЯИМ ўсиши ва туризм ривожланиши орасида иккиёқлама алоқадорлик борлигини кўрсатди. Қисқа муддатли даврда туризмнинг иқтисодий ўсишга бевосита таъсири жуда ҳам кичик бўлишига қарамасдан, узоқ муддатли даврда уларнинг мувозанатга интилиши юқори эканлиги тасдиқланди. Бу эса ўз навбатида, туризм Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиши барқарорлигини таъминлашда юқори салоҳиятга эга эканлигини англатади.

Ушбу бобда, шунингдек, туризм талабини халқаро савдо назариялари нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли даромадлари ва мамлакатлар орасидаги масофа ўзгарувчиларидан ташкил топган анъанавий гравитация моделига виза расмийчилиги, иккиёқлама савдо келишувлари, элчихона ва консуллик хизматлари каби ўзгарувчиларни қўшиш орқали такомиллаштирилди ҳамда қуйидаги такомиллашган гравитация моделини Ўзбекистон шароитида баҳолаш таклиф қилинди:

$$\ln TA_{ij} = \beta_1 + \beta_2 \ln D_{ij} + \beta_3 \ln Y_j + \beta_4 CIS_j + \beta_5 DIP_{ij} + \beta_6 BORDER_{ij} + \beta_7 RTA_{ij} + \beta_8 VISA_{ij} + \varepsilon_{ij} \quad (2)$$

бу ерда, $\ln D_{ij}$ – Тошкент шаҳри ва бошқа давлатларнинг пойтахтлари орасидаги масофа логарифми, $\ln Y_j$ – j давлатнинг аҳоли жон бошига ЯИМ логарифми. Бундан ташқари, умумий тарихий жиҳатларни акс эттириш мақсадида CIS_{ij} – МДХ ташкилотига аъзо давлатлар, DIP_{ij} – Ўзбекистонда (j) давлатнинг дипломатик ваколатхоналари, $BORDER_{ij}$ – Ўзбекистон билан умумий чегарадош давлатлар, RTA_{ij} – Ўзбекистон билан (j) давлат умумий савдо минтақавий савдо келишувлари, $VISA_j$ – j давлат фуқароларининг Ўзбекистонга кириши учун виза талаб қилиниши ёки қилинмаслигини билдирувчи фиктив ўзгарувчилар қўшилган.

Олинган натижалар мамлакатлар орасидаги масофа ва дипломатик алоқалар кириш туризми оқимларини белгиловчи энг муҳим омиллар эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон ва донор мамлакат орасидаги масофа 1 фоизга ўсиши мамлакатимизга кирувчи оқимни 2,5 фоизга қисқартиради. Донор мамлакатларда аҳоли жон бошига ЯИМнинг 1 фоизга ўсиши Ўзбекистонга туристик оқимни 0,9 фоизга оширади. Донор мамлакатларда дипломатик ваколатхоналарнинг мавжудлиги туристик оқимни 3,5 фоизга оширади. Қолаверса, виза чекловлари мамлакатимизга туристик оқимни 50 дан 80 фоизгача камайтиради. Денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти йўқлиги ўзгарувчиси статистик аҳамиятли эмас.

Шунингдек, гравитация модели натижаларига кўра, Ўзбекистон туристик маҳсулоти ташвиқоти учун салоҳияти баланд давлатлар сифатида Европа иттифоқи давлатлари ва Буюк Британия (2%–20%); Латвия, Эстония

каби Болтиқбўйи давлатлари, Чехия, Хорватия, Македония ва Босния каби Шарқий Европа (5%–30%); Малайзия, Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Япония, Жанубий Корея (10%–40%) ҳамда баъзи Яқин Шарқ давлатлари (Баҳрайн, Оман, Қувайт, (40%дан ортиқ)) кўрсатилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон иқтисодиётида туризм соҳаси ролини оширишнинг устувор йўналишлари» деб номланган учинчи бобида республикада кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ва ўсиш захиралари, туризм ривожланиши динамикаси ва муаммоларини ўрганган ҳолда ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни таъминлашда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

